

Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

«31» марта 2021 ж.

03-03/01-1571 - sanlı

Барлық қала ҳәм районлық ҳалық
билимлendirиү бөлими баслықлары ҳәм
де республикалық бойсыныұдағы
билимлendirиү мәкемелери
директорларына

Сизге, Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесинин 2021-жыл
13-мартағы “Республика “Жаслар ҳаўазы” фестивалының Қарақалпақстан
Республикасы басқышын жоқары дәрежеде өткериү ҳаққында”ғы
07-08/10-03/112-санлы баянламасы басшылыққа алыў ҳәм орынлау үшін
жиберилмекте.


Қосымша бет.

Министр орынбасары

Ш.Таджимуратов

04-08/0-03/112

13. 03. 2021



**Коңакалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашы мажлисининг
БАЁНИ**

« » март 2021 йил

Нукус шахри

Раислик қилувчи: **М.Жуманов** Коңакалпогистон Республикаси
Вазирлар Кенгашы Раисининг
ўринбосари

Иштирокэтганлар: вазирлик, идора ва ташкилотлар
раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**“Республика ёшлар овози” фестивалининг Коңакалпогистон
Республикаси босқичини юқори савияда ўтказиш ҳақида**

(Жуманов, Даняров, Турдиев, Темирханов, Бекмуратов, Жуманов)

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига 2019 йил 19 марта
ўтказилган “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат,
спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишига қизиқишини ошириш бўйича 5 та
муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида”ги видеоселектор мажлисининг
12-сонли баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
2 октябрдаги “Коңакалпогистон Республикасини ижтимоий-иктисодий
ривожлантиришда мавжуд муоммолар ва уларни ҳал этиш юзасидай амалга
oshiрилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 73-сонли баёни
97-бандига асосан 2021 йил Бўзатов туманида “Республика ёшлар овози”
фестивалини ташкил этиш белгиланган.

Фестивалининг Коңакалпогистон Республикаси босқичини юқори савияда
ташкил этиш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб,
мажлис қарор қиласди:

1. “Республика ёшлар овози” фестивалининг Коңакалпогистон
Республикаси босқичи жорий йилнинг 15-16 март кунлари 3 та йўналиш бўйича
Коңакалпок давлат ёш томошабинлар театрида кастинг шаклида ташкил
етилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Республика ёшлар фестивали” танловининг Коңакалпогистон
Республикаси босқичининг ташкилий қўмитаси таркиби иловага мувофик
тасдиқлансан.



3. Коракалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги (Қ.Турдиев): фестивалнинг Коракалпоғистон Республикаси босқичида ҳакамлар хайъати таркибига жалб этилган малакали мутахассисларнинг тўлиқ иштирокини таъминласин;

фестивал бўлиб ўтадиган жойларда иштирокчиларнинг ота-оналари учун кутиш хоналарини ажратсин;

фестивал ўтказиладиган жойни зарур овоз кучайтиргич аппаратуралар, микрофон, пианино ва бошқа жиҳозлар билан таъминласин;

фестивалнинг Коракалпоғистон Республикаси босқичининг фаол иштирокчиларини муносиб рағбатлантириш чораларини кўрсинг;

фестивалнинг Коракалпоғистон Республикаси босқичига туман (шаҳар)лардан маданият ва санъат соҳасидаги иқтидорли ёшларнинг тўлиқ иштирокини таъминласин.

4. Ёшлар ишлари агентлиги Коракалпоғистон Республикаси бошқармаси (А.Данияров):

фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб борсин ҳамда унинг шаффоғ ўтишини таъминласин;

фестивални юқори савияда ташкил этиш мақсадида баннерлар билан таъминласин;

фестивалнинг Коракалпоғистон Республикаси босқичи ғолибларини муносиб рағбатлантириш чораларини кўрсинг.

5. Коракалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Р.Реимов), **Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси** (Қ.Қанғлибеков), **Олий таълим муассасалари** раҳбарлари:

фестивал бўйича таълим муассасаларида ўқиётган ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин;

фестивалда иштирок этиш истагида бўлган ёшларнинг иштирокини таъминласин.

6. Коракалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), **Миллий гвардиянинг Коракалпоғистон Республикаси бошқармаси** (М.Юсупов), **Фавқулодда вазиятлар бошқармаси** (А.Давлетов) фестивал тадбирлари ўтадиган жойларда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларини ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 205-сонли қарори талаблари асосида жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсинг.


7. Коракалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов) фестивал ўтадиган жойларда иштирокчиларга ўрнатилган тартибда тегишли тиббий хизмат ташкил этилишини таъминласин.

8. Шаҳар ва туманлар хокимларининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари фестивалга шаҳар ва туманлардан иштирок этувчи ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда етиб келишини назоратга олсин.

9. Қоралпогистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникация бошқармаси (А.Бекмуратов) ва Қоралпогистон телерадиокомпанияси (Н.Жаксымуратова)га танловнинг Қоралпогистон Республикаси боскичини оммавий ахборот воситалари орқали кеңг ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур мажлис баёни ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгашининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича котибиятига юклатилсин.

Баёнлаштирган



Б.Аймбетов

Қорабалпоғистон Республикаси
Вазирлар Конғашининг
2021 йил 13 марта
07-08/10-03/112-сонли баёнига
илюва

“Республика ёшлар овози” фестивалининг Қорабалпоғистон Республикаси
босқичини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ

- | | |
|-----------------|---|
| А.Данияров | - Ёшлар ишлари агентлиги Қорабалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи, ташкилий қўмита роиси |
| К.Турдиев | - Қорабалпоғистон Республикаси Маданият вазири |
| А.Темирханов | - Қорабалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири |
| М.Курбанов | - Қорабалпоғистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазири |
| А.Бекмуратов | - Қорабалпоғистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси директори |
| Н.Жаксымуратова | - Қорабалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси директори в.б. |
| И.Абдикаликов | - Ёшлар ишлари агентлиги Қорабалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари |

Изоҳ: ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган шахслар киритилади.